

Ўқувчиларда Ижтимоий Фаоллик Сифатларини Ривожлантиришда Муסיқанинг Роли

Исматов Шухрат

Бухоро давлат педагогика институти Педагогика кафедраси ўқитувчиси

Ахроров Асрорбек

Бухоро давлат педагогика институти Муסיқа таълими йўналиши 2-курс талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада муסיқа воситаси орқали ўқувчи-ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, миллий онг ва хулқ-атворни таркиб топтириш, ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда, уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ҳаётга мақсадли ёндашув, бу борада режалари билан амалий ҳаёт бирлиги ҳиссини уйғотиш орқали миллий руҳни тарбиялаш масалалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Калит сўзлар: Мумтоз муסיқа, ахлоқ, таълим-тарбия, интерфаол методлар, эстетик дид, ҳис туйғу, анъанавий байрамлар, фолклор ансамбллар.

Ҳозирги кунда ёшларга мамлакатда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланиш, Президентимиз таъкидлаганларидек “Учинчи Ренессанс”ни амалга ошириш учун барча имкониятлар етарли. Ҳар бир даврда ҳам дунёда булаётган ўзгариш ва янгиликлардан яхши хабардор бўлган ижтимоий фаол фуқаролар, айниқса ёшлар мазкур давлат тараққиётининг кафолати ҳисобланган. Чунки ҳар бир давлат ва жамият ўз фуқароларини мунтазам тарбиялаб, яъни уларда ижтимоий фаолликни ривожлантириб боришдан манфаатдордир.

Маълумки, жамиятни инсон ўзгартиради, инсонни эса таълим-тарбия. Миллатни- миллат, халқни- халқ сифатида ривожланиб тараққий топиши фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва ақлий салоҳиятининг ошиши аввало, жамиятнинг илғор қатлами бўлган зиёлилар ва биринчи навбатда ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ. Ота-оналаримиз ўз фарзандларига тарбия бериб билим олиш ёки касб-ҳунар сирларини ўрганишга қанчалик кўп ундашмасин, ўқувчиларнинг кўпчилиги келажакда касб танлаш ва бирон бир фаолият турини ўзлаштиришда албатта ўқитувчиларидан андоза оладилар ва уларнинг маслаҳатларига кулоқ соладилар.

Кадимги юнон файласуфи Сукротда шундай ибора бор: “ Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириши керак. Бунинг учун эса-аниқ мақсад,толмас ирода ва доимий изланишда бўлиши лозим”. Бу фикр ўқитувчи –тарбиячилар учун айнан айтилганлигини исботлаш шарт эмас деб уйлаймиз.

Маърифатпарвар жадид бобомиз Исҳоқхон тура Ибрат узининг “Мезон ул –замон” асарида бу борада: “ Асримиз –илму-ҳунар ва ҳаракат асридур” дея қилган хитоби бугунги кун ёшларимизга ўз ҳаракатлари билан илм ўрганиб, маълум бир касб-ҳунарга эга бўлишларига аждодлар номидан даъват сифатида эътироф этилиши лозим.

Туркистон жадидчилик мактаби етакчиси маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий : “ Дунё иморатлари ичида энг улуги мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдур” дея бу касб ва унинг эгалари мақомини кўтариш билан бирга улар олдида турган вазифа, халқимизга маърифат зиёсини улашиш айнан уларнинг зиммасига юклатилганлигини яна бир бора таъкидлаган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса –мактабнинг обрўи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадди кўтариллади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир”.

“Муаллим тушунчаси арабча сўз бўлиб таълим берувчи яъни турли йўналиш ва даражадаги таълим тизимида ўқувчига амалий таълим-тарбия бериш ишларини амалга оширадиган мутахассис ҳисобланади. Шунингдек муаллимларга нисбатан “домла”, “устоз”, “ўқитувчи” ёки “педагог” атамалари ҳам қўлланилади.

Ижтимоий фаоллик инсондаги турли фазилатлар йиғиндисидан келиб чиқади. Бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг иқтисодий, илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада шаклланаётганлиги, яъни тарбиясида кўринади.

Ижтимоий фаол ва ўз ҳаётини позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялашда аввало ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият масаласи муҳим ўрин тутлади. Бу омилдан фойдаланиш – давр талаби ва зарурият ҳисобланади. Чунки, айнан ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётини жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг жипслашувига кўмаклашувчи ва жамиятнинг яхлитлигини ўз ўрнида мустаҳкамловчи омил ҳамдир.

Ўсмир ўқувчиларда мусиқа воситасида миллий руҳнинг моҳиятини сингдиришда мусиқа дастури ва дарсликлариди белгиланган материаллар турли мавзулардаги кўшиқ ва куйлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Мусиқий тарбияга доир фаолият турларига аввало оилада ўқувчиларнинг отаоналари, уларнинг фарзандларига мусиқий билимларни егаллашда бериладиган ёрдами, болаларни ижтимоий ҳимоялаш, мусиқага доир иқтидорли ўқувчиларни танлай олиш ва улар билан ишлаш, машғулотлар жараёнида халқ мумтоз мусиқий мероси, чолғу асбоблари билан ишлашга ўргатиш каби фаолият турлари мавжуд бўлиб, буларни амалга оширишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш учун мусиқий савод ўргатиш ва миллий руҳиятни тарбиялашда технологик ёндашув талаб этилади.

Ўқувчиларда миллий руҳни тарбиялашда шарқ мутафаккирлари, ҳамда халқ педагогикасининг мусиқага доир тажрибаларига таянилади. Бу борада миллий руҳни тарбиялашнинг мақсади, вазифалари, миллий онг ва ҳуқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнида амалга оширилади. Умуман олганда, шахс тарбияси, шу жумладан руҳий тарбия ҳам фақат хусусий иш бўлмай, балки ижтимоий миллий ишдир. Чунки, ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, халқининг тараққиёти авлодлар тарбиясига боғлиқ.

Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчилар фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Шунга кўра ўқитувчилар болалар фаолиятини ташкил этиш билан чекланмай, уларнинг бу фаолиятга доир воқеа-ҳодисаларни, турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис этиши, улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши муҳим.

Тарбиявий ишлар жараёнида фақат ўқувчининг онгигагина эмас, балки ҳистуйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятининг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган ҳуққий малака ва одатларини ҳам ҳосил қилиш зарур. Мазкур жараёнда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг мақсадга мувофиқ тарбияланиши учун ўқувчи онги, ҳистуйғулари ва иродасига таъсир этиб боради. У ўқувчиларнинг фаолиятини ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарҳароит яратади.

Ўқувчиларни ҳар томонлама етук шахс этиб тарбиялашда унга изчил равишда миллий руҳни сингдириш, уларнинг онги, ҳуқ-атвори ва фаолиятининг бирлиги, шунингдек тарбия жараёнини ташкил этишнинг яқка, гуруҳли ва оммавий шакллари кўшиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик тизимни вужудга келтириш ва бу тизим ғояларига амал қилишни талаб этади. Миллий руҳиятни тарбиялашда ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий ишлар мазмуни куйидагича ҳал этишни такозо этади:

- 1) ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда, уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ҳаётга мақсадли ёндашув, бу борада режалари билан амалий ҳаёт бирлиги ҳиссини уйғотиш орқали миллий руҳни тарбиялаш;
- 2) ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар моҳиятини англаш, билим ва тафаккурга эга бўлиш, онгини бойитиб бориш орқали миллий руҳни шакллантириш;
- 3) асосий ахлоқ меъёрлари (инсонийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр-муҳаббат, мурувват, адолатпарварлик, ахлоқсизликликка нафрат) орқали миллий руҳиятнинг моҳиятини англаш, муомала одоби, юксак маданиятни қарор топтириш;
- 4) ўқувчиларда ҳуқуқий ва ахлоқ меъёрларига ҳурмат билан ёндашиш амалга оширилади.

Масалан, мусиқанинг миллий ахлоқ меъёрлари орқали унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини англаш воситасида миллий руҳият туйғуси сингдирилади:

- мусиқа фани соҳасида қўлланилаётган техника ва технологиялар орқали янги кашфиётлар ва ютуқлар билан хабардор этиш фахр-ифтихор туйғусини шакллантириш асосида миллий руҳияти тарбияланади;
- жисмоний куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилиқ, сабот ва матонат билан тарбиявий ишларда қатнашиши орқали миллий руҳияти таркиб топтирилади;
- эстетик дид, ҳис туйғуни пайдо қилиш, ижодий қобилиятлари, эстетик еҳтиёжлари, гўзаллик туйғуларини таркиб топтириш орқали миллий руҳияти шакллантирилади;
- жамият таракқиётида, инсон фаолияти ва табиат воқеа-ҳодисаларининг тарихийтадрижий ривожланишида улар мувозанати масалаларини тушунтиришда мусиқанинг ўрни орқали миллий руҳияти тарбияланади;
- мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, бозор сиёсати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари инсон меҳнати билан яратилган моддий бойликларни асраш ва кўпайтириш борасида тарихий тажрибалардан фойдаланишга бағишланган тадбирларда мусиқа воситасида миллий руҳияти шакллантирилади;
- ижтимоий - ҳуқуқий меъёрларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги тушунчаларни сингдириш, ҳуқуқий муносабатлар моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлишда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий фаолиятни ташкил етишда мусиқа орқали миллий руҳияти тарбияланади;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлатчилиқ, давлат органлари фаолияти, Давлатимиз ички ва ташқи сиёсати ҳақида маълумотга эга бўлишида мусиқа воситасида миллий руҳияти шаклланади.

Мазкур ишлар қуйидаги тарбия тамойилларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

1. Мусиқа воситасида миллий руҳни тарбиялаш мақсадининг аниқлиги.
2. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, таълим муассасаси билан бошқа мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолияти.
3. Мусиқанинг ўқувчи - шахсининг ўз-ўзини англашга йўналтиришда муҳим омил эканлигини англаши.
4. Тарбиянинг шахсга йўналтирилганлиги, яъни ўқувчи шахсининг хусусиятлари, қизиқишлари, ўзига хос характери, кадр-қимматини англаш туйғуларининг шакллантириб борилиши.
5. Тарбиявий ишларининг еркин, ихтиёрий ташкил етилиши.
6. Тарбиявий ишларнинг жамоавий йўналиш касб етиши асосида миллий руҳни тарбиялашнинг самарали амалга ошиши.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда миллий руҳни тарбиялаш ва уларда ижтимоий фаоллик сифатларини ривожлантиришда таълим жараёни билан бирга тарбиявий ишлар жараёни ҳам катта кучга эга бўлиб, маълум мақсадга йўналтирилган ҳолда тарбиявий тадбирларни ташкил этишда унинг турли шаклларида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исмаилов Ш.У. Олий таълим муассасаларида талабалар ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари //Экономика и социум. – 2023. – №. 5-1 (108). – С. 574-578.
2. Исмаилов Ш. Шарқ маънавий-маърифий таълимлари мазмунидаги маънавий-ахлоқий тарбия талқини //Экономика и социум. – 2022. – №. 4-1 (95). – С. 291-294.
3. Исмаилов Ш. Шарқ маънавий-маърифий таълимлари мазмунидаги маънавий-ахлоқий тарбия талқини //Экономика и социум. – 2022. – №. 4-1 (95). – С. 291-294.
4. Исмаилов Ш. Олий таълим муассасалари талабаларини тарбиялашда гуруҳ мураббийлари (тьютор) нинг роли //Pedagogik mahorat. – С. 155.
5. Жураев Б.Т. Деятельность педагога по гуманизации учебно-воспитательного процесса //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-творч. форума. – 2017. – Т. 31.
6. Жураев Б.Т. Социально-духовное развитие студентов //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 22-23.
7. Жураев Б. Т., Абдурахмонова Д. У. Эстетическое развитие школьников средствами узбекского музыкального фольклора //Вестник Чувашского государственного института культуры и искусств. – 2019. – №. 14. – С. 77.
8. Фатхуллаева М. Г. и др. Шахсни баркамол қилиб шакллантиришда мусиқанинг ўрни ва аҳамияти //Science and Education. – 2020. – Т. 1. – №. Special Issue 4. – С. 274-283.